

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

РАХИМОВА НОИБА МИРЗААТҲАМОВНА

**СПОРТЧИЛАРНИНГ СПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛЕКУЛЯР –
ГЕНЕТИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

03.00.17 - Спорт физиологияси, фармакологияси ва генетикаси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Рахимова Ноиба Мирзаатхамовна

Спортчиларнинг спорт фаолиятининг молекуляр-генетик
детерминантлари..... 3

Рахимова Ноиба Мирзаатхамовна

Молекулярно-генетические детерминанты спортивной
деятельности атлетов25

Rakhimova Noiba Mirzaatkhamovna

Molecular genetic determinants of sports activity of athletes.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

РАХИМОВА НОИБА МИРЗААТҲАМОВНА

**СПОРТЧИЛАРНИНГ СПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛЕКУЛЯР –
ГЕНЕТИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

03.00.17 - Спорт физиологияси, фармакологияси ва генетикаси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/B170 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sportmed.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мавлянов Искандар Рахимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бобоев Кодиржон Ғўхтабаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Муҳамеджанова Нодира Исмаилджановна тиббиёт фанлари доктори, доцент Туляганов Рустам Турсунович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«И.И. Мечников номидаги давлат тиббиёт университети» Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Ғ.б.69.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 6. Тел.: (+99871) 241-53-26; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: sportmed.uz@gmail.com, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази).

Докторлик диссертацияси билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Ахборот-ресурс марказида (___-сон билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

А.А. Садиков

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Б. Солиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари доктори

А.А. Хаджиметов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида спорт генетикаси амалиётида ДНК полиморфизмлари туфайли, маълум жисмоний хусусиятларнинг ривожланиши ҳамда мойиллик даражасидаги индивидуал хусусиятларга асосланиб, спортни амалга ошириш прогностик имкониятларини аниқлаш ва тўғри спорт йўналишини танлашда молекуляр генетик усуллардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, юқори ютуқлар спортида спортчи организмнинг турли тизимларига (морфофункционал, биологик, психологик ва бошқ.) ўзига хос талабларни қўяди. Ушбу ўзгаришлар спортчининг танасини ресурсларидан иррационал фойдаланиши ва ортиқча зўриқиш билан боғлиқ бўлган соғлиқ учун юқори хавфни туғдириши мумкин. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, спортчиларда турли хил генездаги жароҳатланиш умумий жароҳатларнинг 7% га етади. Шу сабабли, замонавий спортнинг юқори кўрсаткичларга эришиш учун спортчининг имкониятларидан фойдаланиш, хавф ва чекловчи омилларнинг олдини олиш бўйича рационал дастурни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда спортчиларнинг ҳолатини педагогик, физиологик, генетик, клиник-лаборатор ва биологик усуллар асосида баҳолашга қаратилган комплекс ёндашувлар бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, спорт соҳаларида юқори натижаларга эришишда спорт имкониятларининг генетик жиҳатдан олдиндан белгиланган чегараларини аниқлаш, якка тартибдаги жисмоний тайёргарликни шакллантириш ва қўллаш орқали спорт кўрсаткичларини яхшилаш, барқарорлигини таъминлаш, куч кўрсаткичлари, чидамлилиқ, нерв-мушак координацияси, мушак толалари ҳажми ва таркиби, мувофиқлаштиришнинг тегишли фенотипига асосий ген таъсирини баҳолаш, митохондриал ДНК, мтДНК ва Y-хромосомаларининг генетик белгилари аниқлаш, митохондриал биогенез, мушак оксиллари генлари, ёғ ва углевод оксидланиши учун масъул бўлган генларнинг экспрессия даражасини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, циклик турдаги спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг лаборатор диагностик параметрларини ҳамда жисмоний кўрсаткичларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, спортда иқтидорли ёшларни танлаш сифатини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, машғулот жараёнини оптималлаштириш ва коррекция орқали спортчиларнинг жисмоний фаоллигини жисмоний фаоллаштириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг еттинчи устивор йўналишида¹ “...аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш, шунингдек, соғлом тиббий ёрдамни ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш” бўйича вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан, юрак-қон томир тизимининг функционал хусусиятлари, антропометрик параметрлар, мушак-скелет тизими билан аниқланган генетик полиморфизмлар билан ифодаланган функционал аҳамиятга эга ирсий омилларни баҳолашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2438-сон “Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисидаги”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сонли “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Генетик жиҳатдан боғлиқ бўлган спорт фазилатларини ўрганишнинг замонавий диагностика усуллари такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи тиббиёт илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Research Institute for Sport and Exercise Sciences of Liverpool John Moores University (Буюк Британия), Department of Sport and Exercise Sciences of Manchester Metropolitan University (Буюк Британия), Research laboratory of Juntendo University (Япония), Stanford University Medical Center (АҚШ), Department of Human and Medical Genetics of Institute of Biomedical Science of Vilnius University (Литва), Jiangsu Biological Technology Centre for Innovation (Хитой), Қозон (Приволжск) федерал университетининг молекуляр биология лабораторияси (Россия), Санкт-Петербург Жисмоний тарбия илмий-тадқиқот институти спорт генетика лабораторияси (Россия),

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.ljmu.ac.uk>, <http://www.telegraph.co.uk/education/>, <https://www.mmu.ac.uk>, <https://en.juntendo.ac.jp>, <https://med.stanford.edu>, <https://www.mf.vu.lt/en/institutes/institute-of-biomedical-science>, <http://en.jitri.cn>, <http://en.qt-bio.com>, <https://www.rea.ru/en/org/cathedries/departement-physical-education>, <https://www.spbniifk.ru/en>, <http://rcpcm.org/home/>, www.sportmed.uz. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Федерал тиббий-биологик агентлиги физик-кимёвий тиббиёт федерал илмий ва клиник марказининг молекуляр биология ва генетика кафедраси (Россия), И.И. Мечников номли Шимолий Давлат тиббиёт университети (Россия), Поволжск Давлат жисмоний тарбия, спорт ва туризм академияси (Россия), Республика спорт илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот лабораторияси (Беларусь), Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот ва клиник лабораториясида (Ўзбекистон) тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Спортчиларининг геном тизимини аниқлаш ҳамда жисмоний фаоллик билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишнинг молекуляр усулларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: элит спортчилар гуруҳида генетик когорталарнинг турли популяцияларида тўпланган муҳим аллелларини ўрганилган (Manchester Metropolitan University, Буюк Британия), спортга мойил бўлган кўрсаткичлар, тезлик, куч, чидамлик, мослашувчанлик, мувофиқлаштириш, баландлик, мушак массаси, шахсият ва бошқа характер хусусиятлари каби тегишли фенотипларига атроф-муҳит омилларининг таъсири аниқланган (Liverpool John Moores University, Буюк Британия), спорт геномикаси ДНК полиморфизмларини аниқланган (Қозон (Приволжск) федерал университети, Россия); спортчиларнинг гематологик профиллари ҳамда гематологик кўрсаткичлар билан боғлиқ полиморфик маркерлар аниқланган (Федерал тиббиёт-биологик агентлиги, Россия; Juntendo University, Япония).

Дунё амалиётида молекуляр-генетик текширишлар спортга танлаб олишда ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: спортчиларнинг машқ жараёнларини оптималлаштиришда комплекс диагностика усулларини қўлланилишини ишлаб чиқиш; генлар аллелларини турли хил спортчиларда тўлиқроқ қиёсий таҳлиллар қилиш ва номзод генларни аниқлаш; аллеллар чидамлик (кардиореспиратор ёки мушакли), тезлик-куч сифати, скелет мушакларини гипертрофияси ривожланишини баҳолаш машғулот жараёнини оптималлаштириш ва тузатиш орқали спортчиларнинг жисмоний фаоллигини профессионал равишда кучайтириш билан боғлиқ турли хил соғлиқ учун хавfli шароитларнинг олдини олишда мураббийлар ва шифокорларга ёрдамни амалга ошириш учун зарур ёрдамдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий илмий адабиётларда жисмоний ривожланишни назорат қилувчи турли хил генларга оид жуда кўплаб маълумотлар келтирилган. Молекуляр геномиканинг замонавий жиҳатларини талқин қилиш асосида турли генларнинг ДНК полиморфизмларининг генетик мойиллиги маълум жисмоний сифатларнинг намоён бўлиш даражасидаги индивидуал фарқларнинг табиати учун жавобгар эканлиги аниқланган ва бу спортчилар танасининг жисмоний зўриқиш таъсири остида ўзини намоён қиладиган баъзи хавfliларга мойиллиги учун ҳам

амал қилади (Miyamoto-Mikami, 2018). Муаллифлар томонидан (Maciejewska-Skrendo A., Sawczuk M., Ciężczyk P., Ahmetov I. (2019)) геном бўйича тадқиқотлар ўтказишда чидамлик намоён бўлишида элит спортчиларининг ҳолатига эътибор беришда, жисмоний зўриқиш таъсирида намоён бўладиган айрим хавф-хатарларга спортчи организмнинг сезувчанлиги учун ҳам амал қилади. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқотчи Ильдус Ахметов томонидан катта ҳажмдаги тадқиқотлар олиб борилган (Ildus I. Ahmetov et.al., 2020). Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, машғулот жараёнининг жисмоний фаоллигининг ошиши ва барқарор ривожланиши спорт чидамлиги ва кучининг асосий сабаби бўлишига қарамай, бугунги кунда аэробик ишлаш даражаси индивидуал ирсий генетик жиҳатдан аниқланган характерга эга эканлиги исботланган ва кўпгина белгилар ва полиморфизмларнинг бир қатор бошқа белгиларда чидамлик сифатининг намоён бўлиши адабиётда кўрсатилган бўлиб, фенотипларга нисбатан ирсий аҳамиятнинг 45% гача етади.

Шунингдек, инсонларни жисмоний спортга лаёқати қуйидаги генлар полиморф сайтларига кўра аниқланган: Ангиотензинга айланувчи фермент гени (ACE) I/D полиморфизми (Wolfarth B 2004, Nazarov I.B 2001), альфа-актинин гени (ACTN3) даги R577X полиморфизм (Sharp A.J 2005, Woods D. 2013), АМФ-дезаминаза (AMPD1) генининг C34T полиморфизм (Ахметов И.И 2010, Yang N 2013), пероксисима (PPARA) пролиферациясини фаолловчи, альфа-рецептори полиморф сайти ва 1-альфа-коактиватор гамма-рецептори (PGC1A). Кўпгина тадқиқот ишларида витамин D (VDR) рецептор генини, азот оксидини эндотелиал синтези (NOS3) гени ва миостатин генини (MSTN) текшириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Yang N, 2013).

Мамлакатимизда бир нечта генлар полиморфизмларининг турли спорт турлари ролига таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган (Мавлянов И.Р., Курганов С.К., Рахимова Н.М., 2022).

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар хил давомийлик ва интенсивликдаги юқори жисмоний фаолият шароитида спортчи организмда молекуляр генетик маркерларнинг функционал хусусиятлари ва профессионал спортда муҳим фенотиплар билан боғлиқ генлар ассоциацияларни ўрганиш муаммоларини ҳал қилишда эришилган ютуқларга қарамай, кўплаб масалалар қарама-қарши ва тўлиқ тушунилмаган.

Бу шуни кўрсатадики, мамлакатимиз спортчилари ўртасида юқори жисмоний зўриқиш ва максимал кўрсаткичлар фонидида спортчи организмда мослашув жараёнларига қулай шарт-шароитларни тайёрлаш ва яратишда тадқиқотлар ўтказиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёт илмий-амалий маркази давлат муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини

яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 й.).

Тадқиқотнинг мақсади циклик турдаги спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари билан бир қатор спорт генлари ассоциацияларининг жисмоний кўрсаткичлар ва спорт муваффақиятларининг турли белгиларининг намоён бўлишидаги умумий ҳиссасини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларда спорт муваффақияти билан боғлиқ бир қатор генларнинг аллел-генотипик вариантларининг учраш даражасини аниқлаш;

спорт муваффақияти билан боғлиқ бир қатор генларнинг аллель-генотипик вариантларининг ижобий ва салбий комбинацияларини таҳлил қилиш;

енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчиларда тезлик-куч сифат кўрсаткичлари ёки чидамлик сифат кўрсаткичларини акс эттирувчи бир қатор спорт генларини аниқлаш ва баҳолаш;

спорт генларининг ташувчи генотиплари ва уларнинг ассоциациялари асосида спортчиларнинг спорт сифат кўрсаткичларининг қўшимча хусусиятларини аниқлаш;

енгил атлетика, велосипед ва эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг клиник, биокимёвий ва гормонал фенотипини таҳлил қилиш;

спортчилар танасининг клиник ва биокимёвий параметрларининг уларнинг спорт генларининг индивидуал генотиплари билан боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш;

спортчиларнинг индивидуал генетик потенциалини баҳолаш асосида уларнинг жисмоний кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 120 нафар циклик турларидаги спортчилар – Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ва болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ)даги велоспорт, енгил атлетика ва каноэда эшкак эшиш федерациялари спортчилари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спорт фаолиятига хос жавобгар генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда юниор ва профессионал спортчиларнинг клиник-лаборатор фенотип хусусиятлари ва уларнинг тавсифини баҳолашда 16 та генларининг аллел-генотип полиморфизмларини диагностик таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бир қатор генларнинг аллеллари ва генотипларини баҳолаш асосида спорт амалиётида қўлланиладиган маълум жисмоний фаолиятига мойилликнинг генетик детерминантларининг маълумотлилиқ даражасини баҳолашда клиник ва лаборатор биокимёвий, иммунокимёвий, молекуляр генетик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор велоспорт, енгил атлетика ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоалари спортчиларида 16 та спорт учун муҳим ген аллел ва генотиплари ва улар ассоциациясининг чидамлилиқ, куч ва тезлик каби спорт кўрсаткичларини намоён этишдаги ҳиссасини баҳолаш орқали спортчи индивидуал жисмоний имкониятлари аниқланган;

илк бор спорт муваффақиятлари билан боғлиқ бўлган генларнинг спорт учун яхши имконият яратувчи ассоциацияларини аниқлаш орқали спортчи жисмоний фаоллик чегараси аниқланган ва спорт натижаларини яхшилаш имконияти яратилган;

жисмоний кўрсаткичларни бошқарадиган баъзи генлар билан спортчи организми клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш орқали спортчи тайёргарлик жараёнининг ирсият билан боғлиқ бўлган самарадорлигини "генотип-фенотип" муносабатлари тамойилига мувофиқ мониторинг қилиш асосланган;

Ўзбекистон спортчиларининг индивидуал жисмоний имкониятлари спорт учун муҳим бўлган генлар ва генотиплар аллеллари ассоциациясининг спорт хусусиятларини намоён этишдаги ҳиссасини баҳолаш орқали аниқланган;

генлар ва улар ассоциацияси билан боғлиқ бўлган "қўшимча" генетик хусусиятлар аниқланган ва уларнинг чидамлилиқ, куч ва тезлик каби спорт хусусиятларини намоён бўлиш даражасига таъсирини ҳисобга олиб циклик спорт турларидаги спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик жараёни ва спорт кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

спорт муваффақиятининг генотиплари ва спортчи танасининг қўшимча (яширин) генетик хусусиятларининг аниқланган ижобий ассоциацияларига асосланиб, циклик турдаги спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг адекват, табақалаштирилган ва шахсий тайёргарлик жараёни учун индивидуал машғулот дастури шакллантирилган;

спорт генларнинг чидамлилиқ, тезлик ва куч каби фазилатларининг генотиплар самарали ассоциацияси асосида циклик спорт турдаги спортчиларининг самарали физиологик профилини ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг физиологик самарадорлиги дастури ишлаб чиқилган;

генотип ва клиник - лаборатор фенотипининг аниқланган хусусиятлари билан боғлиқ ишлаб чиқилган диагностика алгоритми асосида, циклик спорт турдаги спортчилар жисмоний фаолиятида оптимал диапозони ва муваффақиятли натижавий масофасини аниқлаш учун тизим яратилган;

ёш спортчилар ва юқори натижаларга эришган спортчилар ўртасида спортга мойил генлар генотипларининг пайдо бўлиш частотаси аниқланган фарқларга асосланиб, юқори самарали спорт турлари бўйича иқтидорли спортчи болаларни танлаш ва танлашда табақалаштирилган ёндашув ва спорт фаолиятини ёшлиқдан юқори самарали спорт турларига қадар кузатиб бориш бўйича самарали дастурларни шакллантириш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда назарий ва услубий ёндашувлардан фойдаланиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий ишончлилиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мослиги, қўшимча замонавий клиник, лаборатория ва статистик усуллардан фойдаланиш, шунингдек, халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққосланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унинг натижалари жисмоний тарбия ва спорт доирасида инновацион тиббий-генетик таъминот тизимини яратиш йўлида янги имкониятларни яратиб бериб, замонавий ДНК-технологияларга асосланувчи янги тизим спорт мураббийлари ва шифокорлари учун болалар ва ўспиринларда у ёки бу ҳаракат фаолиятига бўлган мойиллигини аниқлаш, уларнинг спорт кўрсаткичларини машғулотлар жараёнини оптималлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳисобига ошириш ҳамда спортчиларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган турли хавфларнинг олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти генотип фаолияти ва клиник-лаборатор фенотип характеристикалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган диагностик алгоритм асосида амалда фаолият кўрсатувчи спортчилар учун хусусий машғулотлар дастурини шакллантириш ҳамда иқтидорли болаларни спортчиларнинг ўзига хос генетик хусусиятлари ва спортдаги ютуқларга эришишда муҳим аҳамият касб этувчи генотиплар ассоциациясидан келиб чиқиб ажратиб олиш ва саралашнинг дифференциал усулини таклиф этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Жисмоний тарбия ва спорт доирасида тиббий-генетик таъминот тизимини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

циклик турдаги спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг спорт муваффақиятининг генотиплари ва спортчи танасининг қўшимча (яширин) генетик хусусиятларининг аниқланган ижобий ассоциациялари бўйича ишлаб чиқилган "Жисмоний сифатларнинг яширин генетик детерминантларини аниқлаш ва баҳолаш асосида спорт натижаларини такомиллаштиришга ёндашувлар (циклик спорт турлари мисолида)" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги №08-41148-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома циклик спорт турлари спортчиларда спорт фенотипи билан боғлиқликнинг генетик ҳолатини баҳолаш тавсия этилган усулларини ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг генетик текширувини такомиллаштириш бўйича тавсияларда фойдаланиш спортчининг салбий таъсири хавфини камайтириш имконини беради;

генотип ва клиник - лаборатория фенотипининг аниқланган хусусиятлари билан боғлиқ ишлаб чиқилган диагностика алгоритмига асосланиб "Циклик спорт турдаги шуғулланадиган спортчиларнинг жисмоний кўрсаткичларининг генетик жиҳатдан аниқланган клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари" номли

услугий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги №8-41148-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома жисмоний кўрсаткичларни бошқарадиган баъзи генлар билан спортчи организми клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш орқали спортчи тайёргарлик жараёнининг ирсият билан боғлиқ бўлган самарадорлигини "генотип-фенотип" муносабатлари тамойилига мувофиқ мониторинг қилиш имконини берган;

циклик спорт турлари бўйича спортчиларнинг адекват, дифференциал ва шахсий тайёргарлик жараёнини аниқлаш мақсадида илмий асосланган ёндашувлар асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон гимнастика федерацияси ва Ўзбекистон сузиш федерациясининг амалий фаолиятида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 октябрдаги 8н-з/567-сон маълумотномаси). Натижада етарли жисмоний юк ва жисмоний фаолият, масофани танлаш бўйича машғулот жараёнининг самарадорлигини ошириш орқали спортчининг иш фаолиятини баҳолаш ва прогноз қилиш вақтини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларни апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан 17 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 13 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда ҳамда 1 та ўқув қўлланма, 2 та услубий тавсиялар, 1 та электрон дастур нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 230 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва субъектлари тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, экспертзадан ўтказиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи «**Спорт генетикаси ва спорт муваффақияти. Ютуқлар ва истикболлар**» деб номланган биринчи бобида диссертациянинг долзарблиги ва республика фан ва техникасини

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асосланган, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи тақдим этилган. Ушбу бобда хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниб, чидамлилиқ ва тезлик - куч хусусиятлари учун масъул бўлган генларнинг полиморфизмлари ва уларнинг муайян спорт турлари учун аҳамияти ўрганишда замонавий спорт генетикаси тажрибаси, ҳамда ўрганилаётган генлар генотипларининг циклик спортчиларнинг клиник ва биокимёвий маркерларининг фенотипик белгиларини таққосланиб, умумлаштирилади. Бундан ташқари, спорт билан шуғулланувчи шахсларда муваффақиятининг генетик детерминизми жиҳатларини ўрганишга бағишланган етакчи олимларнинг қарашлари ўрганиб чиқилиб, батафсил баён этилган. Юқорида белгилаб ўтилган маълумотлар асосида мазкур илмий иш спортнинг юқори самарадолиги акс эттирувчи долзабр мавзулардан бири эканлигини хулосалаш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тадқиқот материаллари ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Ушбу диссертация иши учун клиник материал асосида 2019 йилда циклик турдаги спорт турлари билан шуғулланувчи 120 нафар спортчилар иштирок этиб, уларнинг 60 нафари 18-35 ёш оралиғидаги, енгил атлетика, велоспор, ва эшкак эшиш спорт турлари билан шуғулланувчи, Ўзбекистон терма жамоаси қаторига киритилган юқори малакали спортчилар ташкил қилди. Бундан ташқари, мазкур тадқиқотда учта болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида таҳсил олиб, 14-18 ёш оралиғидаги, енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш спорт турлари билан шуғулланувчи спортчилар иштирок этишди. ДНК намуналари қуйида келтирилган генлар асосида гентиплаштирилди: ACE Alu Ins / Del; ACTN3 C18705T; AMPD1 C34T; CNTF G-6A; IL15RA T364G; L3MBTL4 G-16081T; PPARA G2528C; PPARGC1A G> A; UCP2 C> T; PPARG2 C34G; MTHFR C677T; VDR BsmI G> A; HIF1A C1772T; ADRB2 C> G; ADRB2 A> G.

Тадқиқот гуруҳ иштирокчиларида гематологик, биёкимёвий ва гормонал ҳолатларини ўрганиш ва баҳолаш учун қўйидаги маркерлари: RBC, HGB, HCT, MCV, MCH, MCHC, PLT, RDW-SD, RDW-CV, PDW, MPV, P-LCR, PCT, АЛАТ, АСАТ, лактат, КФК, КФК МВ, тестостерон, кортизол ва ТТГ аниқлаш асосида амалга оширилди.

Намуналар орасидаги қиёсий статистик таҳлил қилиш учун статистик таҳлил дастурий тўплами (%) ва вариацион статистика усуллари (ўртача арифметик қиймат (M), станарт оғиш (σ), стандарт хато (m) ва бошқалар), дисперсион таҳлил усули (t-мезон), корреляция таҳлил (Пирсон жуфт корреляция r коэффициенти) асосида амалга оширилди. Кўриб чиқилган намуналар орасидаги аллеллар, генотиплар ва генотиплар бирикмаларининг частотасидаги фарқларнинг аҳамияти, шунингдек генотипларнинг тақсимланишининг Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлиги χ^2 мезондан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Диссертациянинг «Спорт генларининг аллел-генотипик вариантларининг хусусиятлари ва уларнинг циклик спорт турлари билан шуғулланадиган спортчиларда ассоциацияси» деб номланган учинчи бобида юқори ютуқларга эришган спортчилар, ҳамда енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг генотипларидаги спорт генлари учралишининг қиёсий тавсифи ва уларнинг спорт билан шуғулланмайдиган шахслардан фарқи тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Циклик спорт турлари билан шуғулланувчи профессионал спортчиларнинг гуруҳи ва спорт билан шуғулланмайдиган шахслар гуруҳи қиёсий тавсифида ACTN3, HIF1A, PPARG2 генлари бошқа ўрганилган генлар орасида муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқлади. ACTN3 генининг Arg(C)577Ter(T) полиморфизмида C/C генотиби (OR-2,3, χ^2 -6,3, p=0,03) мустақил роли қайд этилди. Спортчиларда назорат гуруҳига нисбатан CC генотипининг аниқланган юқори частотаси ва унинг спорт малакасининг ўсиши билан намоён бўлиши CC генотипининг ташувчиси энергия таъминотининг аэроб механизмларини ривожлантиришга ёрдам беришини кўрсатиши мумкин.

PPARG2 генининг (rs1801282)_C34G полиморфизмида C/C генотиби (OR-2,13, χ^2 -4,59, p=0,03) ва C/G генотиби (OR-0,47, χ^2 -4,29, p=0,04) мустақил роли қайд этилди. Ушбу генотиплар скелет мушакларига анаболик таъсирининг кучайиши билан боғлиқ ва шу билан жисмоний юкламалар ҳолатларда унинг таъсирини кучайтиради.

HIF1A генининг (rs11549465)C1772T полиморфизмида C/C генотиби (OR-0,32, χ^2 -6,28, p=0,01) ва C/T генотиби (OR-4,34, χ^2 -8,55, p=0,01) мустақил роли қайд этилди. Маълумки, бу генотиплар спорт малакасининг ўсиши билан чидамлилиқнинг ривожланиши ва намоён бўлиши учун боғлиқдир. С аллели юқори гликолитик қобилият, тўқималарга кислород юборишни кучайтириш билан боғлиқ.

Циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг гуруҳи ва спорт билан шуғулланмайдиган шахслар гуруҳи қиёсий тавсифида ACTN3, бошқа ўрганилган генлар орасида муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқлади. ACTN3 генининг Arg(C)577Ter(T) полиморфизмида T/T генотиби (OR-0,4, χ^2 -3,99, p=0,05) мустақил роли қайд этилди. Шундай қилиб, ушбу аллелнинг ташувчиси тезлик фазилатларининг ривожланиши ва намоён бўлишига фойдали таъсир кўрсатиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин.

Циклик спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг гуруҳи ва спорт билан шуғулланмайдиган шахслар гуруҳи қиёсий тавсифида AMPD1 генининг Gln12Ter_C/T полиморфизмида C/C генотиби (OR-0,4; χ^2 -5,9; p=0,01) ва C /T генотиби (OR-2,4; χ^2 -5,2; p=0,02) мустақил роли қайд этилди. АМП-деаминаза скелет мушакларидаги анаэроб АТФ ресинтезининг миокиназа механизмининг иши туфайли скелет мушакларининг энергия алмашинувининг муҳим регулятори сифатида тавсифланади, бунинг натижасида С аллелининг частотасининг ошиши спортчиларда аэроб

кўрсаткичларнинг намоён бўлишида қулай таъсир мавжудлиги билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин.

Диссертациянинг «Жисмоний сифатларнинг яширин генетик детерминантларини баҳолаш (циклик турдаги спорт мисолида)» тўртинчи бобида циклик типдаги спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар орасида чидамлилиқ, куч ва тезлик учун масъул бўлган спорт генлари тақсимланишининг ўзига хос хусусиятлари ва кўрсаткичлари аниқланди. (16 спорт генлари ташувчиси ассоциацияси маълумотларига кўра).




2-расм. Циклик спорт турлари билан шуғулланадиган спортчилар ўртасида спорт фазилатлари учун масъул бўлган генотиплар ассоциацияларининг тақсимланиши: А- велоспорт; Б- энгил атлетика; В- эшкак эшиш (%да)

Қайси спорт тури булан шуғулланишидан қатъи назар, ген ассоциацияларини ўрганиш натижаларига кўра спорт чидамлилиги сифат кўрсаткичи энг кенг тарқалган белгилардан эканлиги аниқланди.

Спортчиларнинг жисмоний фазилатлари (чидамлилиги, тезлиги, кучи) даражасининг характеристикаси қуйидаги градация бўйича аниқланди: энгил атлетика, велоспорт ва ешкак ешиш билан шуғулланувчи спортчилар орасида юқори, ўртача даражадан юқори, ўртача ва ўртача даражадан паст бўлган критерия бўйича тақсимланди. Олинган маълумотларга кўра, тадқиқотда қатнашган спортчилар орасида спорт чидамлилиги сифат кўрсаткичи энг кенг тарқалган белгилардан бири эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, қатнашганлар орасида чидамлилиқ даражаси юқори ва ўртача даражадан

юқори бўлган спортчилар улуши 75% ни ташкил қилгани аниқланди. Бундан ташқари, спортчилар орасида тезлик ва куч каби спорт фазилатлари кўрсаткичи асосан ўртача ва ўртача даражадан юқори даражаларда ифодаланиб, бундай спортчиларнинг тезлик сифатлари бўйича 80% ни, куч сифатлари бўйича эса мос равишда 83,3% ни ташкил қилганлиги маълум бўлди.



3-расм. Циклик турдаги спорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида баъзи спорт сифатини ифода этувчи даража кўрсаткичлари (16 спорт генларини уз ичига олган генотип ассоциацияси маълумотларига кўра)

Велоспорт, енгил атлетика ва эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчилар орасида чидамлилик, тезлик ва куч меъзонлари даражасининг характеристикаси аниқланиб, циклик ҳолатда спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг қўшимча генетик хусусиятларини баҳолаш асосида яширин спорт фазилатларини топишга қаратилган тадқиқот олиб борилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш шуни кўрсатдики, циклик спорт турлари билан шуғулланувчи спортчилар юқори жисмоний зўриқиш шароитида тананинг адаптив жараёнларининг йўналиши ва самарадорлигини тавсифловчи қўшимча генетик хусусиятлари аниқланиб, буларга энергиянинг тикланиш характери, анаэроб шароитда энергия ҳосил бўлиш жараёнининг самарадорлиги, тўқималарнинг инсулинга сезгирлиги ва мушакларнинг глюкозани қабул қилиш қобилияти, ёғ кислоталари ва глюкозани тўқималар томонидан энергия материали сифатида ишлатиш самарадорлиги, ҳамда юқори, кучли ва узоқ муддатли жисмоний зўриқиш таъсирига ушбу жараёнларни амалга оширишда иштирок этадиган бошқа бир қатор хусусиятлар борлиги аниқланди.

Шуни таъкидлаш керакки, биз аниқлаган қўшимча генетик хусусиятлар ва уларнинг ушбу хусусиятларни амалга оширишга таъсирининг табиати

машғулотлар жараёнини шакллантиришда эътиборга олишни талаб қилади ва уларни амалга оширишда табақалаштирилган ва мослаштирилган ёндашув мезони бўлиб хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, аниқланган кўшимча генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг мақсадли тайёргарлигини ўтказиш, уларнинг захира жисмоний салоҳиятини очиб беришга ва муваффақиятга эришишга ёрдам бериши аниқланди.

Диссертациянинг **"Циклик турдаги спорт билан шуғулланувчи спортчиларда спорт муваффақиятининг лаборатория кўрсаткичлари асосида ўрганиш ва баҳолаш"** деб номланган бешинчи бобда енгил атлетика, велоспорт ва ешкак ешиш спорт турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчиларда периферик қон кўрсаткичларининг силжиш хусусиятлари ва уларнинг жинсга боғлиқ хусусиятлари, шунингдек атлетика, велоспорт ва ешкак ешиш спорт турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчиларнинг қонида содир бўладиган биёкимёвий ва гормонал ўзгаришларнинг ҳолати ўрганилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, текширилган спортчилар ва спорт билан шуғулланмайдиган шахслар билан ўзаро таққослаганда, организмда ўрганилган лаборатория параметрларида сезиларли фарқ борлиги аниқланди. Қондаги креатинкиназа (95%), АСТ (34,8%), кортизол (33,7%), тестостерон (33,3%), СК МВ (23%) каби лаборатория кўрсаткичларида аниқ ўзгаришлар борлиги кузатилди.

Шу билан бирга, бир нечта маркерларда жинсга боғлиқ фарқ мавжудлиги аниқланиб, эркак ва аёл жинсига мансуб бўлган спортчилар ўртасида қуйидаги кўрсаткичларга нисбатан аниқ фарқлар мавжудлиги билан тавсифланади – RBC -аёлларда қизил қон хужайраларининг ўртача кўрсаткичлар натижалари назорат гуруҳи билан солиштирганда эркак жинсига мансуб бўлган шахсларга нисбатан 5,3% га кўпроқ миқдорда эканлиги аниқланди.

Аёлларда RDW-SD (Эритроцитларнинг тарқалиш кенглиги) назорат гуруҳига нисбатан 0,25% га ошганлиги, эркакларда эса, аксинча, мос равишда 4,8% га камайганлиги маълум бўлди. Табиийки, шунга ўхшаш ўзгариш эритроцитлар тарқалиш эгри чизиғининг ҳисобланган кенглигининг PDW индексида ҳам кузатилди (аёлларда назорат гуруҳига нисбатан 3,0 ошганлиги ва эркакларда 1,5 камайиши), шунингдек, катта улчамдаги тромбоцитлар коэффициенти P-LCR да ҳам (аёлларда назорат гуруҳига нисбатан 2,8 ошганлиги ва эркакларда 4,9 камайиши аниқланди) худди шунаё ўзгаришлар борлиги аниқланди.

Бундан ташқари, трансaminaзаларда ҳам аниқ фарқлар мавжудлиги аниқланди. АЛТ фаоллик даражаси аёл спортчиларда эркакларникига қараганда 12,9% юқори, АСТ фаоллиги эса спортчи бўлмаганларга нисбатан эркакларда аёлларга қараганда 22,8% юқори эканлиги маълум бўлди.

Назорат гуруҳи билан солиштирганда жинсга боғлиқ фарқларидаги энг катта фарқ креатинкиназа ферменти фаоллигида кузатилиб, эркак спортчиларда аёлларга қараганда 83,4%га юқори миқдорда аниқланди.

Кортизол даражаси ҳам жинсга боғлиқ фарқларидаги яна бир маркерларидан бири бўлиб жой олди. Уларнинг ўртача қийматлари экракларда баландроқ бўлиб, аёл жинсига мансуб бўлган спортчиларга қараганда 28,2% юқори эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг "Циклик турдаги спорт билан шуғулланувчи спортчилар организмнинг клиник, биокимёвий ва гормонал ҳолати кўрсаткичларининг ўзгариши билан уларнинг спорт генотиплари орасидаги боғлиқлиги" номли диссертациянинг олтинчи бобида циклик турдаги спорт билан шуғулланувчи спортчиларда ўрганилган спорт генларининг генотиплари ташувчилигини ҳисобга олган ҳолда клиник, биокимёвий ва гормонал қон параметрларининг корреляцион таҳлили натижалари тақдим этилди.

1-жадвал

Ўрганилаётган генларнинг генотипларига қараб аёл жинсига мансуб спортчиларнинг лаборатория параметрларининг корреляцион муносабатларининг хусусиятлари

	Ген2 ACTN3_Arg(C)577Ter(T)	C/C			C/T			
		N	M	m	n	M	M	Corr
X19	TESTO	10	0,56	0,09	5	1,40	0,40	0,61*
	Ген 5 IL15RA_T/G	T/T			T/G			
		N	M	m	n	M	M	Corr
X14	ALT	8	14,13	1,59	8	23,91	2,02	0,71***
	Ген 6 L3MBTL4_G-T	G/G			G/T			
		N	M	m	n	M	M	Corr
X2	HGB	11	127,27	1,33	6	122,00	2,21	-0,49*
	Ген 8 PPARGC1A (rs8192678)_Gly482Ser	G/G			G/A			
		N	M	m	n	M	M	Corr
X9	RDW-CV	7	13,14	0,22	9	12,48	0,12	-0,60**
X14	ALT	7	14,56	2,81	9	23,07	1,53	0,60**
	Ген 10 PPARG2(rs1801282)_C34G	C/C			C/G			
		N	M	m	n	M	m	Corr
X14	ALT	14	17,78	1,73	3	26,77	2,58	0,54*
	Ген 13 HIF1A(rs11549465)_C1772T	C/C			C/T			
		N	M	m	n	M	m	Corr
X12	P-LCR	14	27,58	2,08	3	38,10	3,11	0,49*
X13	PCT	14	0,25	0,01	3	0,21	0,01	-0,52*
X17	СК	14	125,50	11,91	3	225,00	1,53	0,70***
	Ген 14 ADRB2(rs1042714)C>G	C/C			C/G			
		N	M	m	n	M	m	Corr
X4	MCV	6	83,77	1,94	9	89,20	1,25	0,57*
X10	PDW	6	13,82	0,46	9	11,36	0,47	-0,70***
X11	MPV	6	11,38	0,38	9	10,04	0,26	-0,64**
X12	P-LCR	6	31,93	2,27	9	24,70	2,18	-0,52*
X14	ALT	6	14,57	2,37	9	22,29	2,08	0,56*

	Ген 16 NOS3(rs2070744)C-786T	T/T			C/T			Corr
		N	M	m	n	M	m	
X7	PLT	8	257,63	14,39	9	198,22	16,24	--0,57**
X10	PDW	8	11,49	0,60	9	13,97	0,60	0,60**
X12	P-LCR	8	23,76	1,97	9	34,48	2,41	0,66***

- * - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.05$
** - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.02$
*** - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.01$
**** - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.001$

2-жадвал

Ўрганилаётган генларнинг генотипларига қараб эркак жинсига мансуб спортчиларнинг лаборатория параметрларининг корреляцион муносабатларининг хусусиятлари

Ген2 ACTN3_Arg(C)577Ter(T)	C/C			C/T			T/T			Corr
	n	M	m	n	M	m	n	M	M	
PLT	18	202,9	7,48	19	252,16	12,08	6	246,5	20,17	0,47***
PCT	18	0,22	0,01	19	0,26	0,01	6	0,27	0,02	0,48***
Ген 6 L3MBTL4_G-T	G/G			G/T			Corr			
	N	M	m	n	M	m				
PDW	31	12,64	0,29	12	14,43	0,61	0,43***			
P-LCR	31	29,19	1,51	12	36,07	2,05	0,36**			
Ген9 UCP2(rs660339)_C>T	C/C			T/T			Corr			
	N	M	m	n	M	m				
RBC	15	5,37	0,06	8	5,61	0,11	0,42*			
Ген10 PPARG2(rs1801282)_C34G	C/C			C/G			Corr			
	N	M	m	n	M	m				
HGB	32	146,84	0,89	10	142,60	1,78	-0,34*			
Ген12 VDR(rs1544410)G>A	G/G			A/A			Corr			
	N	M	m	n	M	m				
PLT	23	219,65	8,95	6	275,83	32,84	0,41**			
TSH	23	1,92	0,19	6	2,82	0,41	0,38*			
Ген13 HIF1A(rs11549465)_C1772T	C/C			C/T			Corr			
	N	M	m	N	M	m				
HGB	34	144,79	0,96	8	149,63	1,16	0,35*			
TESTO	34	19,64	1,20	8	13,24	1,56	-0,36**			
Ген16 NOS3(rs2070744)_C-786T	T/T			C/T			Corr			
	N	M	m	N	M	m				
PLT	32	222,8	6,71	10	260,30	22,68	0,32*			
TSH	32	1,78	0,13	10	2,76	0,30	0,47***			

- * - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.05$
** - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.02$
*** - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.01$
**** - корреляция коэффициентининг ишончилиги даражаси $p < 0.001$

